



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2023 йил 14 июль, № 144 (8487)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН ФАОЛ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси Ташқи алоқалар қўмитаси раиси Фуат Октай бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Учрашув аввалида Фуат Октай Ўзбекистон етакчисига унинг Президент сайловидаги ишончли галабаси муносабати билан қардош Туркия Президенти

ва халқнинг самимий табрикларини етказди. Туркия томони Ўзбекистон Президентининг аҳоли фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган прагматик сиёсатини юксак баҳолаши ва тўлиқ қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Музокаралар чоғида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ҳамда олий даражада қабул қилинаётган қарорлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари парламентлараро ҳамкор-

лик гуруҳларини ташкил этиш ва тегишли "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш юзасидан эришилган келишувларни олқишлади. Шунингдек, учрашувда ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва авиақатновларни кўпайтириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини илгари суриш, қўшма мада-

ний-гуманитар тадбирларни ўтказиш бўйича мувофиқлашган чоралар кўрилиши муҳим экани таъкидланди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мотбуот хизмати суратлари.

ҚАТАР АМИРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ИШОНЧЛИ ГАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан 13 июль куни ўтказилган телефон орқали мулоқотида олий даражадаги келишувларни амалга ошириш, йирик инвестиция лойиҳаларини тайёрлашни жадаллаштириш ва уларни илгари суриш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Қатар Амири Ўзбекистон етакчисини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда қозонган ишончли галабаси билан дилдан қўтлади. Дўст Қатар халқи номидан Ўзбекистон раҳбари ва кўп миллатли халқига тинчлик-осойишташлик, фаровонлик, барқарор тараққиёт ва раванқ тилади. Етакчилар жорий йил 5-6 июнь кунлари Қатар Амирининг Ўзбекистон Рес-

публикасига давлат таширифи давомида қабул қилинган битим ва келишувларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўришга келишиб олдилар. Яқин фурсатда қўшма Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида бизнес форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

ЎзА.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИНИ ОЧГАНИ БАРОБАРДА МАМЛАКАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ САРИ ОЛИБ БОРАЁТГАН МИЛЛАТ ЕТАКЧИСИ МАҚОМИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

Хитойнинг инглиз тилида нашр этиладиган йирик газетаси — "Global Times" 9 июль куни Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайлови якуни тўғрисида.



Хитойда чоп этиладиган ушбу нуфузли газета мухбири сайловда Либерал-демократик партиядан номзод бўлган амалдаги Президент Шавкат Мирзиёев 87,05 фоиз овоз олганини маълум қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси сайлов номзодлар ўртасида ҳақиқий рақобат шароитида, халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мувофиқ ўтганини қайд этди, деб ёзади. "Сўнги йилларда Ўзбекистонда бир қатор тарихий ўзгаришлар рўй берди, — дея таъкидланади газетанда. — Ушбу

даврдa мамлакат иқтисодиёти ҳажми икки бараварга ўсди ва келгуси йилларда ялпи ички маҳсулот 100 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Жаҳон иқтисодиётидаги инқироз ва ташқи муҳитнинг беқарорлигига қарамай, Ўзбекистон иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди (ўртача 5 фоиз). Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, 2023 йил охирига бориб Ўзбекистонда ЯИМ 6 фоизга ўсиши кутилмоқда, бу эса мамлакатнинг жадал ривожланаётганидан далолат беради.

Хитой Ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори Сун Чуанжининг баҳо беришича, Президент Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон даврини очиб, миллат етакчиси мақомини қўлга киритди, мамлакатни янада ривожланиш ва модернизация сари етак-

ламоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Ўзбекистон барқарор ривожланиш суръатларини, ўз куч-қудрати ва салоҳиятига тўлиқ таянган ҳолда ўз мустақиллигини ва халқнинг тинч-осойишта ҳимоя қилиш қобилиятини намойиш этувчи жадал ривожланаётган давлатга айланди".

Шу билан бирга, Сун Чуанжи таъкидлаганидек, "Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол ташқи сиёсати Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва ўзаро ишончли мустаҳкамлашни энг устувор йўналиш сифатида белгилаб берди. Бу минтақавий ҳамкорлик жараёнларини ривожлантиришда туб ўзгаришларни таъминлади, ўзаро ҳамкорликнинг янги муҳитини яратди ва минтақа давлатларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлади".

«Дунё» АА.
Пекин

Учрашув ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КУЧАЯДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Туркия Республикаси парламенти Ташқи алоқалар қўмитаси раиси Фуат Октай бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди. Учрашув кун тартибидан, аввало, парламентлараро алоқалар, шунингдек, савдо ва иқтисодиёт, инвестициялар, аграр, транспорт, энергетика ва маданий-гуманитар йўналишлардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик, кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларининг суръати икки мамлакат етакчиларининг расмий ташрифлари ва мунтазам мулоқотлари натижа-сида янги босқичга кўтарилиб бораётгани, бунда Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик кенгашининг ўрни алоҳида экани қайд этилди. Икки давлат муносабатларида парламентлараро шериклик аҳамияти ортиб бораётгани, кейинги йилларда мунтазам мулоқотлар ва ташрифлар фаоллашгани ўзаро ишончли мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани ҳам айтиб ўтилди.



ДЕПУТАТЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЖАВОБ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди. Унда депутатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ер майдонларини фойдаланишга киритиш, аграр соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қулай агробизнес муҳитини яратишга қаратилган — "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги масалани муҳокама қилди.

«Ҳукумат соати»

Кун тартибидаги масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири А. Воитов жавоб берди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат хавф-

сизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳа бошқарувида инвестициявий жозибadorликни ошириш, қишлоқ хўжалигида илм-фан ютуқларини жорий қилиш бўйича кенг қўлам-

ли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтириляпти.

"Ҳукумат соати"да депутатлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларида деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш ва у орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини кўпайтириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар билан қизиқди.

Мазкур саволга қишлоқ хўжалиги вазири томонидан атрофлича маълумот берилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 30 фоизини ташкил этади.



ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИРИНЧИ ФОРУМИ

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Марказий Осиё биринчи форуми бўлиб ўтмоқда. Унда АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Сингапур, Туркия, Бельгия, Озарбайжон, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатларидан 60 нафардан ортиқ халқаро маърузачилар иштирок этмоқда. Улар орасида йирик таҳлил марказлари раҳбарлари, халқаро муносабатлар, давлат бошқаруви, жаҳон иқтисодиёти ва хавфсизлиги соҳасидаги нуфузли экспертлар, дипломатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари бор.

Биз ва жаҳон

Тадбир олдидан бўлиб ўтган брифингда мазкур халқаро анжуманнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди.

— Марказий Осиё

минтақаси Евроосиё маконини Шарқ ва Фарб, Шимол ва Жануб ўртасида боғловчи кўприкка айланиб бормоқда. Бу минтақа давлатлари ўртасида сиёсий ва иқти-

содий ҳамкорликка кенг йўл очмоқда, — деди Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қозоғистон Стратегик тадқиқотлар институти директори Эркин Тукмуов. — Охириги статистик маълумотлар Марказий Осиё иқтисодиёти ўсиши ва уларнинг ташқи савдоси ошиб бораётганини кўрсатаётди. Минтақадаги қўшни бешта давлат глобал иқтисодий муносабатларга янада интеграциялашиш, ўзаро конструктив ҳамкорликни ривожлантиришга интилмоқда.

Форумнинг очилиш маросимида Президент Қосим-Жомарт Тоқоевнинг форум иштирокчиларига муножаати ўқиб эшитирилди.



ҚАРДОШ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР СИФАТ ВА МАЗМУН ЖИҲАТДАН ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Туркия Буюк миллат мажлиси Ташқи алоқалар қўмитаси раиси Фуат Октай бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда "Ўзбекистон — Туркия" парламентлараро дўстлик гуруҳи фаолияти ва парламентлараро алоқалар доирасида амалга оширилаётган қатор ижобий ишлар эътироф этилиб, унинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш масаласи муҳокама қилинди.

Муҳбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи аъзоларининг мазкур учрашув юзасидан фикрлари билан қизиқди.

Олий Абдуллаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати: — Ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ҳамда қардошлиқ ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки халқнинг эътиқоди, маданияти, урф-одатлари ўхшаш. Туркиянинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекистон учун долзарб аҳамиятга эга. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Туркия ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди.



БАЛИҚЧИЛИКДА ҚУЛАЙ ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ

СОҲАНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Мамлакатимизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг истиқболли тармоқларини жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, замонавий мезонлар асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг самараси сифатида дунёнинг балиқчилик тармоғи ривожланган Вьетнам, Хитой, Венгрия, Эрон, Туркия, Жанубий Корея, Россия каби давлатлари билан икки томонлама манфаатли алоқалар йўлга қўйилди.

Ислоҳот уфқлари

Илм ва гоя — улкан сармоя

Бугун юртимизда ушбу тармоқни жадал ривожлантириш, махсулот етиштириш ҳажмини ошириш, янги инновацион технологиялари жорий этиш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда махсулот турлари хилмаҳиллигини кўпайтириш устувор вазифалар сирасига киритилган.

— Илмий ёндашув, интенсив усулда махсулот тайёрлаш технологияларини жорий этиш тобора ривожланаётгани тўғрисида бугунги кунга келиб республикада 6 минг гектар майдондаги ҳовузоларда балиқ етиштириш ҳосилдорлиги ўртача 3-4 баробар ошди, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Камолжўжа Исмомилжўжаев.

— Илмий ёндашув, интенсив усулда махсулот тайёрлаш технологияларини жорий этиш тобора ривожланаётгани тўғрисида бугунги кунга келиб республикада 6 минг гектар майдондаги ҳовузоларда балиқ етиштириш ҳосилдорлиги ўртача 3-4 баробар ошди, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Камолжўжа Исмомилжўжаев.

— Илмий ёндашув, интенсив усулда махсулот тайёрлаш технологияларини жорий этиш тобора ривожланаётгани тўғрисида бугунги кунга келиб республикада 6 минг гектар майдондаги ҳовузоларда балиқ етиштириш ҳосилдорлиги ўртача 3-4 баробар ошди, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Камолжўжа Исмомилжўжаев.

Самарадорликни 4-5 баробар ошириш зарур

Хозирги кунда республикадаги мавжуд сунъий сув ҳавзаларининг бир гектаридан ўртача 2 — 4 тонна махсулот етиштирилмоқда.

тар сунъий сув ҳавзаларида аэратор мосламаларини ўрнатиш орқали парhezоб махсулот етиштириш ҳажмини гектарига 4-5 баробар ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадини кўпайтириш учун бу йил 7700 та хонадонда (2022 йилда 3,1 мингта хонадонда эди) интенсив усулда балиқ парвартиштириш йўлига қўйиш кўзда тутилган.

— Вилоятда интенсив усулда махсулот етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида балиқчилик илмий-тадқиқот институти Олимпик билан фаол ҳамкорликда иш олиб бориляпти, — дейди Фаргона вилояти хорижий балиқчиликни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Эркинжон Ибрагимов.

— Вилоятда интенсив усулда махсулот етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида балиқчилик илмий-тадқиқот институти Олимпик билан фаол ҳамкорликда иш олиб бориляпти, — дейди Фаргона вилояти хорижий балиқчиликни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Эркинжон Ибрагимов.

— Вилоятда интенсив усулда махсулот етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида балиқчилик илмий-тадқиқот институти Олимпик билан фаол ҳамкорликда иш олиб бориляпти, — дейди Фаргона вилояти хорижий балиқчиликни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Эркинжон Ибрагимов.

— Вилоятда интенсив усулда махсулот етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида балиқчилик илмий-тадқиқот институти Олимпик билан фаол ҳамкорликда иш олиб бориляпти, — дейди Фаргона вилояти хорижий балиқчиликни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Эркинжон Ибрагимов.

Хонадонда балиқ боқиш фойдалими?

Дунё тажрибасининг кўрсатишича, илм-фан ютуқлари, инновацион гоғлар асосида 30 — 35 сотихли сунъий сув ҳавзасида 8 тоннагача харидорлик махсулот етиштириш имкони бор.



ларда) балиқ парвартиштириш, 12 — 15 та махсус ҳовузоларда 4-5 тонна парhezоб ва дармондорига бой махсулот олас бўлади.

Албатта, хонадонда бундай юмуш билан шуғулланиш ўзига хоёндашувини талаб этади.

— Айнан уй шароитида шундай иш билан машғул бўлиш истагидаги ҳамюртларимизга кўмаклашиш мақсадида “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари ҳамкорлигида махсус кўлланма ишлаб чиқилди, — дейди К. Исмомилжўжаев.

— Айнан уй шароитида шундай иш билан машғул бўлиш истагидаги ҳамюртларимизга кўмаклашиш мақсадида “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари ҳамкорлигида махсус кўлланма ишлаб чиқилди, — дейди К. Исмомилжўжаев.

— Айнан уй шароитида шундай иш билан машғул бўлиш истагидаги ҳамюртларимизга кўмаклашиш мақсадида “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари ҳамкорлигида махсус кўлланма ишлаб чиқилди, — дейди К. Исмомилжўжаев.

— Айнан уй шароитида шундай иш билан машғул бўлиш истагидаги ҳамюртларимизга кўмаклашиш мақсадида “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари ҳамкорлигида махсус кўлланма ишлаб чиқилди, — дейди К. Исмомилжўжаев.

Минглаб оилаларнинг доимий даромади

Айни пайтда Тошкент вилоятида 7,5 минг гектар сунъий сув ҳавзаларида 560 та ҳамда 3,6 минг гектар табиий сув ҳавзаларида 10 та ушбу соҳага ихтисослаштирилган фермер хўжалиқлари фаолият юритиб келмоқда.

Балиқ личинкасини ишлаб чиқарувчи 13 та инкубация цехи ҳамда 917 гектар репродуктив сув ҳавзалари мавжуд. Вилоятда балиқ личинкасини ишлаб чиқаришдан тортиб, омикта ем тайёрлаш ҳамда қайта ишлашгача бўлган жараёнларни жамлаган 6 та кластер ташкил этилган.

Кейинги йилларда вилоятда интенсив технологиялар ривожланиши, сунъий сув ҳавзаларини қайта реконструкция қилиш



ҳисобига махсулот етиштириш ҳажми 3-4 баробар оширилди.

— 2023-2024 йиллар давомида вилоятнинг Паркент, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Бекобод туманларида 10 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Азамат Раҳмонов.

— 2023-2024 йиллар давомида вилоятнинг Паркент, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Бекобод туманларида 10 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Азамат Раҳмонов.








— 2023-2024 йиллар давомида вилоятнинг Паркент, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Бекобод туманларида 10 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Азамат Раҳмонов.

— 2023-2024 йиллар давомида вилоятнинг Паркент, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Бекобод туманларида 10 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Азамат Раҳмонов.

Жаҳон андозаларига мослашаётган тармоқ

“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси тасарруфидаги Балиқчилик илмий-тадқиқот институти олимлари соҳа фаолиятини жаҳон андозаларига мослаштириш, илм-фан ютуқлари ҳамда инновацион гоғларни ҳаётга кенг татиқ этиш борасида доимо изланишда.

— 2023-2024 йиллар давомида вилоятнинг Паркент, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Бекобод туманларида 10 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Азамат Раҳмонов.



Мамлакатимизда 2022 йили 502 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 800 минг тоннага етказиш мақсад қилинган.

Бу йил балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш учун умумий қиймати 1 триллион сўм бўлган 241 та лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 2530 та янги иш ўрни яратилади.

Аҳоли бандлиги ва даромадини кенгайтириш бўйича бу йил 7700 хонадонда интенсив усулда балиқ парвартиштириш режалаштириляпти.

Кейинги йилларда республикада харидорлик ва экспортгоп форель, лосось, осётр балиқларини боқиш борасидаги амалий тажриба тобора оммалашиб бормоқда.

салохияти юксалиб, соҳанинг инвестициявий жозибдорлиги ошиб бораёти.

Бу борада қулай шароит яратилаётгани ва имтиёзлар берилаётгани тармоқнинг эртанги кун истиқболига бўлган ишонч юксалиб боришини таъминламоқда.

Демак, мамлакатимиз балиқчилиги аниқ ва мақсадли ривожланиш стратегияси бўйича юксалишда бардавдордир.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий магтаби магистратурасига 2023/2024 ўқув йили учун ёзги қабул бошланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий магтаби 2023/2024 ўқув йили учун тўлов-шартнома асосида кундузги ва сиртки таълим шаклларига: «Глобал менежмент», «Молия», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», «Агробизнес» соҳалари бўйича Бизнесни бошқариш (МВА) ва Лойиҳа бошқаруви (PM) магистратура мутахассисликларига ёзги қабул эълон қилмоқда.

Магистратурага кириш истагини билдирган номзодлар комиссияга веб-сайт https://rgsbm.uz орқали олий магтаб директори номига қуйидаги ҳужжатларни нусхаларини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат этади:

— давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари биринчи раҳбарларининг имзоси қўйилган тавсия хати;

Номзодларга қўйиладиغان талаблар: олий маълумотга ва олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин камидан уч йил иш стажига эга 45 ёшгача бўлган (ўқитишнинг фақат кундузги шаклига) номзодлар суҳбат ва тест синовлари натижалари бўйича очиқ танлов асосида қабул қилинади.

Магистратурага кириш учун ҳужжат топшириш муддати (даври) — 2023 йилнинг 14 июлидан 2023 йилнинг 14 августигача (шу куни соат 22.00 га қадар).

Қабул комиссиясининг ишлаш жадвали: душанба — жума кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача.

Ўқишга ҳужжат топшириш фақат электрон шаклда олий магтабининг веб-сайти орқали ҳар куни 24 соат мобайнида амалга оширилади.

Маълумот учун телефонлар: +99871-239-03-02, +99871-239-03-17, +99871-239-03-15. Веб-сайт: https://rgsbm.uz; Телеграм: t.me/rgsbm_uz; Фейсбук: fb.com/rgsbm.uz. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 25-уй.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий магтаби магистратурасига 2023/2024 ўқув йили учун ёзги қабул бошланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий магтаби Жанубий Кореянинг Аджу университети билан ҳамкорликда 2023/2024 ўқув йили учун «Икки диплом» (dual degree) халқаро дастури асосида «IT Business» мутахассислиги бўйича магистратурага тўлов-шартнома асосида қабул эълон қилмоқда.

Таълим кундузги шаклда бўлиб, биринчи ўқув йили (1 ва 2-семестрлар) Ўзбекистонда, иккинчи ўқув йили (3 ва 4-семестрлар) Жанубий Кореяда давом этади. Дастур якунида тингловчилар Аджу университетининг «IT-Business» ва олий магтабининг «Бизнесни бошқариш» (MBA) магистри дипломларини оладилар.

Магистратурага кириш истагини билдирган номзодлар комиссияга веб-сайт https://rgsbm.uz орқали олий магтаб директори номига қуйидаги ҳужжатларни нусхаларини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат этади: — ўқитиш харажатларини қоплаб

берадиган давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг биринчи раҳбарлари имзоси қўйилган ўқитиш учун қафолат хати; — олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси; — паспорт ёки ID карта (имтиҳон вақтида асл нусхаси тақдим этилади); — инглиз тилини билишини тас-

дикловчи IELTS (International English Language Testing System) бўйича 5,0 балл, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) бўйича 72 балдан кам бўлмаган даражада халқаро сертификатлар.

Магистратурага кириш учун ҳужжат топшириш муддати (даври) — 2023 йилнинг 14 июлидан 2023 йилнинг 14 августигача (шу куни соат 22.00 га қадар).

Қабул комиссиясининг ишлаш жадвали: душанба — жума кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача.

Ўқишга ҳужжат топшириш фақат электрон шаклда олий магтабининг веб-сайти орқали ҳар куни 24 соат мобайнида амалга оширилади.

Маълумот учун телефонлар: +99871-239-03-02, +99871-239-03-17, +99871-239-03-15. Веб-сайт: https://rgsbm.uz; Телеграм: t.me/rgsbm_uz; Фейсбук: fb.com/rgsbm.uz. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 25-уй.

